

“Агробанк” АТБ
Бошқаруви йиғилишининг
2014 йил 30 - декабрдаги
84/12-18 - сонли қарорига илова

Кичик бизнес субъектларини кредитлаш бошқармасининг
НИЗОМИ

Тошкент – 2014

1. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Марказий банк Бошқаруви томонидан 2000 йил 24 июлда 472-сон билан тасдиқланган “Тижорат банкларида Корпоратив бошқарув тўғрисида”, 2000 йил 22 февралда 466-сон билан тасдиқланган “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомлари ҳамда банкнинг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ўз фаолиятини ушбу ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширади.

2. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш бошқармаси (кейинги ўринларда “бошқарма”) Марказий аппаратнинг мустақил таркибий тузилмаси ҳисобланади.

3. Мазкур Низом бошқарманинг вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини белгилайди.

4. Бошқарманинг таркибий тузилиши ҳамда штат жадвали Бошқарув раиси томонидан тасдиқланади.

5. Бошқарма қуйидаги таркибий тузилмалардан иборат:

а) Кичик бизнес субъектларини кредитлаш бўлими;

б) Кредитларни мониторинг қилиш бўлими;

в) Микрокредитлаш бўлими;

г) Савдони кредитлаш бўлими.

6. Бошқарма бошлиғи банк Бошқаруви раиси томонидан тайинланади.

7. Бошқарма ходимларининг лавозим мажбуриятлари ушбу Низомга илова қилинади.

8. Бошқармада иш юритиш тартиби банк тизимида ўрнатилган иш юритиш тартибига асосланган ҳолда олиб борилади.

2. Вазифалари ва функциялари

9. Бошқарманинг асосий мақсади – тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари ва савдо ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришда уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни амалга ошириш орқали банкнинг ликвидлигини оширишдир.

10. Бошқарманинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) Банк ташаббуси билан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес фаолияти соҳасига кредит ресурсларини жалб қилиш;

б) тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни сармоя билан таъминлаш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиб бориш ва барча ҳудудий филиаллар фаолиятига татбиқ этиш борасида зарурий чоралар қўрилишини назорат қилиш;

148 рақами билан 10-қўлёғи олинди
2015-йил 16-феврал 2
Қазақ

в)тадбиркорларга хизмат кўрсатишда вужудга келадиган муаммоларни ўрганиш ва уларни ечиш йўлларини белгилаш;

г)Бошқарма томонидан кичик бизнес субъектларининг талабига биноан банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан ва бошқа манбалардан кредит беришни кўриб чиқиш ҳамда бу ҳақда ўз таклифларини Марказий аппарат Кредит кўмитасига кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

д)Марказий банк томонидан тасдиқланган тадбиркорликни ва кичик бизнес субъектларини кредитлаш бўйича амалдаги йўриқнома ҳамда кўрсатмаларнинг банк фаолиятида амалга оширилишини доимий таҳлил қилиб бориш ва зарур вақтда керакли ўзгартиришлар киритиш ҳақида таклиф тайёрлаш;

е)микрокредитлашни янада кенгайтириш мақсадида халқаро молиявий институтларнинг кредит йўналишлари ва дастурларидан фойдаланишни ривожлантириш;

ж)республика ҳудудларида тадбиркорлар билан семинарлар ўтказиш ва «давра суҳбатлари»ни ташкил қилиш;

з)ажратилган кредитлар устидан мониторинг ўрнатиш, кредит ва фоизларни ўз муддатида сўндириш чоралари кўрилишини назорат қилиш;

и)кредит қўйилмаларини таснифлаш, муддати ўтган кредитлар бўйича захиралар ташкил қилинишини назорат қилиш;

к)тадбиркорларга банк тизими томонидан хизмат кўрсатиш маданиятини ва ходимларнинг муомала савиясини яхшилашни таъминлаш;

л)тадбиркорлар фаолиятида юзага келадиган муаммоларни жойларга чиқиб ўрганиш ва уларнинг истакларини умумлаштириб, уларни ҳал этиш бўйича зарур таклифларни банк раҳбариятига тақдим этиш;

м)тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа кичик бизнес субъектларига, оилавий бизнес соҳасида ишлаётган аёлларга хизмат кўрсатиш усулларини соддалаштириш ҳамда унинг сифатини тобора яхшилаб бориш, ишлаб чиқилган тадбирларни амалга ошириш, банк тизимининг ушбу масалада олиб бораётган фаолияти ҳақида ҳисоботлар тайёрлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш чораларини кўриш.

11. Бошқарманинг функциялари унинг бўлимлари функциялари йиғиндисидан иборат.

Кичик бизнес субъектларини кредитлаш бўлимининг функциялари:

а)кичик бизнес субъектларининг талабига биноан банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан кредит бериш талабномаларини кўриб чиқиш ва бу ҳақда ўз таклифини Марказий аппарат Кредит кўмитасида кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

б)кредит қўйилмалари ва муддати ўтган қарздорлик ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда уларни сўндириш чоралари кўрилишини назорат қилиш;

в) ҳудудий бошқармалар томонидан тақдим қилинадиган энг кам иш хақининг 3 минг баробаридан юқори бўлган кредит хужжатларини

«Агробанк» ширкатидаги широк банк
148
2015 йил 16 - февраль 3

белгиланган тартибда таҳлил қилиш ва ушбу кредит ҳужжатларини Марказий аппаратнинг Кредит кўмитасида кўриб чиқиш учун тайёрлаш.

г) Марказий аппарат Кредит кўмитасининг қарори билан берилган кредитларни мақсадли ишлатилиши, кредит ҳамда унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида сўндирилишни назорат қилиш;

д) кредит қўйилмалари ва уларни тармоқлар бўйича тасимланиши, яратилган яратилган янги иш ўринлари бўйича ҳисоботлар тайёрлаш.

Кредитларни мониторинг қилиш бўлимининг функциялари:

а) ажратилган кредитлар, шунингдек уларга ҳисобланган фоизлар устидан доимий мониторинг олиб бориш ва уларни қайтмаслик хатарини олдиндан аниқлаш ҳамда сўндириш чоралари кўрилишини назорат қилиш;

б) кредит портфелини доимий равишда инвентаризация қилиб бориш ва унинг ҳақиқатдаги ҳолатини аниқлаш ҳамда ажратилган кредитларнинг қайтмаслик хатари ошиб кетмаслигини таъминлаш бўйича назорат ўрнатиш;

в) қарздорларнинг молиявий ҳолатини доимий равишда таҳлил қилиб бориш, шунингдек ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда зарур ҳолларда жойларда ўрганишни ташкил этиш.

Микрокредитлаш бўлимининг функциялари:

а) банк ва халқаро молиявий институтлар ўртасида кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ажратишни янада кенгайтириш ҳамда банк ресурс базасини ошириш мақсадида имзоланган шартномаларга асосан ажратилаётган ресурсларни ўз вақтида ўзлаштириш чораларини кўриш;

б) ҳудудий филиалларда халқаро молиявий институтлар дастури асосида кредитлар ажратилишини назорат қилиш;

в) қарздорларнинг молиявий ҳолатини доимий равишда таҳлил қилиб бориш ва хўжалик фаолиятини амалга оширилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда зарур ҳолларда жойларда ўрганишни ташкил этиш.

г) кичик бизнес субъектларига халқаро молиявий институтлар ресурслари ҳисобидан тақдим этилган микрокредитларни ҳар ойда таҳлил қилиш, натижаси бўйича маълумотни Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк ҳамда банк Бошқарувига тақдим этиш;

д) ҳудудий филиаллар мижозлари томонидан “Ишонч телефонлари”га келган мурожаат ва шикоятларни кўриб чиқиш, ушбу масала юзасидан филиаллардаги ҳолатни ўрганиб аҳоли томонидан асосли мурожаат ҳамда шикоятлар тушишига йўл қўйган филиал раҳбарлари ва тегишли мутахассисларига нисбатан чора кўриш юзасидан банк Бошқарувига маълумот киритиш.

“AgreBank” aksiyedatlik tijorat banki
Bank metodologiyasi bo'limi

148 rasmiy bilan ro'yxatga olingan
2015 yil - 16 - fevral

Савдони кредитлаш бўлимининг функциялари:

а) савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан савдо кредитларини бериш талабномаларини кўриб чиқади ва бу ҳақда ўз таклифини Банк Кредит кўмитасида кўриб чиқиш учун тақдим этади;

б) савдо ташкилотлари ҳамда савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорларни кредит буюртмаларига кўра биринчи заруратдаги озиқ-овқат ҳамда халқ истеъмол моллари сотиб олиш учун банк филиаллари томонидан амалдаги тартибларга риоя қилган ҳолда берилишини назорат қилади;

в) банк кредитидан фойдаланувчи савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлардан нақд пул тушумининг келиб тушишини назорат ва таҳлил қилади, таҳлил натижалари бўйича Банкнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда филиаллари билан биргаликда нақд пул маблағлари тушумини кўпайтириш юзасидан тегишли ишлар олиб боради;

г) банк филиалларида хизмат кўрсатилувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26-ноябрдаги 407-сонли қарори билан тасдиқланган “Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низоми ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5-ноябрдаги “Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 242-сонли Қарори талабларига риоя қилиниши устидан назорат ўрнатади.